



УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИ СОЦИОЛОГИК СЎРОВНОМА АСОСИДА ЎРГАНИШ

Нуриμβетов Равшан Ибрагимович

*Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори, и.ф.д.
Тошкент, Ўзбекистон. r.i.nurimbetov@bk.ru*

Иброҳимов Бобуржон Равшанбек ўғли

*Тошкент давлат техника университети ассистенти. Тошкент,
Ўзбекистон.*

Нормуродов Сарвар Норбой ўғли

*Тошкент давлат аграр университети стажёр ўқитувчиси. Тошкент,
Ўзбекистон. s.n.normurodov@bk.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a9

Аннотация

Ушбу мақолада Тошкент шаҳрида жойлашган кўп қаватли уй-жойларда истиқомат қилувчилар орасида ўтказилган уй-жой фондини бошқаришга бағишланган ижтимоий сўровнома доирасида тайёрланган. Уй-жой фондини бошқариш амалиётда замонавий сифат менежментини жорий этиш ҳамда уй-жой мулкдорлари фаолиятини тартибга солишнинг амалий жиҳатлари таҳлили натижасида уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: уй-жой фонди, уй-жой фондини сифатли бошқариш, сифатли бошқариш механизми, самарали бошқарув тизими, сифатли бошқариш механизминини такомиллаштириш, барқарорлаштириш, уй-жой фондининг замонавий сифат менежменти.

Аннотация

Данная статья подготовлена в рамках социального опроса, посвященного управлению жилищным фондом, который проводился среди жителей многоэтажных домов, расположенных в городе Ташкенте. В результате анализа практических аспектов внедрения современного менеджмента качества в управление жилищным фондом и регулирования деятельности собственников жилья разработаны научные предложения и рекомендации по совершенствованию системы управления жилищным фондом.

Ключевые слова: жилищный фонд, управление качеством жилищного фонда, механизм управления качеством, эффективная система управления, совершенствование механизма управления качеством, стабилизация, современное управление качеством жилищного фонда.

Abstract

This article was prepared as part of a social survey on the management of the housing stock, which was conducted among residents of multi-storey buildings located in the city of Tashkent. As a result of the analysis of the practical aspects of the introduction of modern quality management in the management of the housing stock and the regulation of the activities of homeowners, scientific

proposals and recommendations for improving the housing stock management system have been developed.

Key words: housing stock, housing stock quality management, quality management mechanism, effective management system, improvement of the quality management mechanism, stabilization, modern housing stock quality management.

Кириш

Ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижаларини ҳамда амалдаги реал ҳолатни аниқлашда эксперт (респондент)лар орасида сўровномалар ўтказиш орқали усуллари бугунги кунда кенг тарқалган тадқиқот усуллари билан бири ҳисобланади.

Ўрганишлар кўрсатишича, эксперт сўровлар усулининг кенг қўлланила бошланиш амалиёти XX асрнинг 70-80 йилларига тўғри келади, сабаби айнан ўша даврларда илмий тадқиқотнинг экстраполяциялаш ва моделлаштириш усуллари чегараланганлиги маълум бўлди. Фақатгина биргина математик моделлар ўз-ўзидан прогнозлаштиришнинг талаб этиладиган, асосан узоқ муддатли ишончилигини таъминлай олмайди. Шу сабабли мураккаб ижтимоий жараёнлардаги моделлаштиришлар имкониятлари бир мунча чегараланганлиги маълум бўлди. Натижада турли усуллар бирикиши, шу жумладан, экспертлар сўровномалари йўли орқали комплекс ижтимоий-иқтисодий башоратлашнинг зарурлиги асосланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Уй-жой фондиди бошқариш ҳолати бўйича хориж давлатларида бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан М.П.Жонсон [1], П.Осборн [2], М.С.Женсен [3], М.Лейтч [4], П.Сметс, П. Ван Линдерт [5], С.Ганапати [6], С.Уилер [7], Ж.Пламмер, С.Хейманс [8], Е.Остром [9], Р.Бодоу [10] каби олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида уй-жой фондиди бошқариш соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, уй-жой фонди ва уни бошқариш, соҳада бозор муносабатларининг шаклланиши, уй-жой коммунал соҳасида бошқарув жараёнларини ташкил этиш ва уни моделлаштириш масалалари муайян даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизда уй-жой коммунал соҳасини ривожлантириш, соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш, хизматлар сифатини бошқариш ҳамда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш масалалари С.С.Ғуломов [11], Р.И.Нуримбетов [12], В.У.Ёдгоров [13], Т.А.Хасанов [14], И.Х.Давлетов [15], А.С.Султанов [16], Х.Ш. Кахрамонов [17] каби мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Уй-жой фондиди бошқариш ҳолатини ўрганиш бўйича бир қанча олимлар ўз фикрларини билдириб ўтишган. “Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш”

Тадқиқот методологияси

Эксперт сўровномани ўтказиш методикаси оммавий сўровнома ўтказишдан сезиларли даражада фарқ қилади. Оммавий сўровномалар қондасига кўра аноним ҳисобланади. Эксперт сўровномада анонимлик бўлмасдан эксперт можур муаммони ечиш учун таклиф этилган ҳолда тадқиқотнинг вазифалари тўғрисида тўлалигича хабардор бўлиши лозим. Эксперт сўровнома – бу респондентлар сифатида фаолият юритишнинг маълум бир соҳасидаги мутахассислар иштирок этадиган сўровноманинг турли хиллигидир. Ижтимоий ҳаётда махсус билимлар сони ва аҳамияти шиддат билан

ривожланиб бораётган бир вақтда эксперт сўров усули янада кўпроқ тарқалиб бормоқда десак тўғри бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳаётнинг барча ҳолатларига мос келадиган социологик тадқиқотнинг ягона схемаси ҳалигача мавжуд эмас. Тадқиқот турини танлаш қўйилган мақсад ва вазифалар тавсифи билан аниқланади. Шу нуқтаи назардан мазкур мақолада социологик сўровнома усулидан фойдаланилган ҳамда турар жой фондини бошқариш ҳолати ўрганилди.

Маълумки, мулк шакллари ичида турар жой объектлари ўзининг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, алоҳида ўрин тутди. Сабаби, инсон умрининг 65-70 % ни ўз яшаш масканида яъни (уйида) ўтказди. Шунинг учун ҳам, уй-жой фонди ҳолатига, унга кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг мамлакатда уй-жой соҳасида ўтказилган ислохотлардан бири – давлат уй-жой фондининг хусусийлаштирилиши кўп квартирали уй-жойларда мулкчилик ҳуқуқининг ўзгаришига олиб келди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатга тегишли бўлган уй-жой фонди хусусийлаштирилди ва уйнинг ягона эгаси – давлат – ўз ҳуқуқларини собиқ квартира ижарачиларига яъни (уй эгаларига) берди ҳамда улар нафақат ўз хонадонларининг эгасига, балки истиқомат қилаётган кўп квартирали уйидаги умумий мулк эгасига айланди. Мулкчилик муносабатларининг ўзгариши мураккаб жараён сифатида уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш тизимини ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди.

Таҳлил ва натижалар

Республикада ўтган асрнинг 90 йилларининг охирига қадар уй-жой фондини бошқаришда турли бошқарув механизмига ва мулкчилик шаклларига эга бўлган корхоналар ташкил этилди ва уй-жой фондини бошқаришда улар фаолияти самарадорлиги синовдан ўтказилди. Тижриба ва синовлар натижаси Республикада кўп квартирали уй-жойдан фойдаланиш ва уни сақлашнинг самарали ва мақбул шакли уй-жой мулкдорлари ширкати (УЖМШ) эканлигини кўрсатди. Натижада ширкатлар яратилиши жараёни тез суръатлар билан турли хил ресурсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилди. Жумладан, ҳуқуқий асосга эга бўлган дастлабки уй-жой мулкдорлар ширкати 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой мулкдорлари тўғрисида”ги 761-И-сонли Қонуни (мазкур Қонун 2020 йил 1 августда ўз кучини йўқотган) қабул қилинди. 2000 йилнинг июнига келиб 360 та уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилди ва уларга кўп қаватли уй-жойларнинг 19,4 фоизини бошқариш вазифаси топширилди. 2002 йилнинг охирига келиб уларнинг сони 1388 тага етди ва улар томонидан кўп қаватли уй-жойларнинг 98,5 фоизи бошқарила бошланди.

2019 йил 7 ноябрида “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда кўп квартирали уйларни бошқаришда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўрни ва аҳамияти мустаҳкамланишига асос бўлди [18].

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига республикада уй-жой мулкдорлари ширкатларининг сони 2010 йилда 4751 тани, 2018 йилда 4787 тани ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январ ҳолатига эса уларнинг сони 4177 тани ташкил этди. Бугунги кунда эса республикада жами 3742 та уй-жой мулкдорлари

ширкати фаолият юритиб, ҳар бир ширкат ўртача 6 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатмоқда [19].

Республикамизда уй-жой мулкдорлари ширкатларига уюшган кўп қаватли уйларнинг умумий сони 2010 йилда 28792 тани, 2018 йилда 32400 тани, 2021 йилда 25611 тани ҳамда 2022 йил 1-январ ҳолатига келиб эса бу кўрсаткич 21847 тадан ортиқни ташкил этган (1-жадвал).

Таҳлилларнинг кўрсатишича соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотларга қарамасдан мамлакатимизда уй-жой фондининг амалдаги бошқариш тизимида бир қатор камчиликларни учратиш мумкин. Бунинг асосий сабаблари сифатида, бир томондан, мулкдорларнинг уй-жой фондини бошқаришга доир қонунчилик ва тартиб-қонунларни етарли даражада билмасликлари бўлса, иккинчи томондан мулкдорларнинг уй-жойлари бошқарувдаги иштирокларининг пассивлиги ёки айрим ҳолларда унда иштирок этишни хоҳламасликларини келтириб ўтиш мумкин.

1-жадвал


УЖМШлар ва улар томонидан бошқарилаётган уй сони*

УЖМШлар сони/йиллар	2010 й.	2018 й.	2021 й.	2022 й.
УЖМШлар сони	4751	4787	4177	3742
УЖМШлар томонидан бошқариладиган уйлар сони	28792	32400	25611	21847

** жадвал муаллифлар тамонидан тизимлаштирилди*

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳамда шунга ўхшаган бошқа муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил этиш ва бу борада ҳулосалар чиқариш илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришиш борасида муаллифлар тамонидан мантиқан бир-бирини тўлдирувчи 13 та саволлардан иборат сўровнома ишлаб чиқилди. Ушбу сўровнома Тошкент шаҳрида жойлашган деярли барча туманларда яшовчи ихтиёрий танланган аҳоли орасида ўтказилди.

Жумладан, сизнингча, кўп қаватли уй-жой фондини бошқаришда замонавий сифат менежментининг амал қилиш ҳолати қандай? деган саволга (100 %) респондентдан, паст даражада деб – 36 %, юқори даражада деб - 22 %, қониқарли деб – 20 % иштирокчилар ҳисоблашган ҳамда респондентларнинг ичидан 22 % и эса қониқарсиз даражада деб жавоб берганлар 1-расм.




1-расм. Сизнингча, кўп қаватли уй-жой фондини бошқаришда замонавий сифат менежментининг амал қилиш ҳолати қандай?*

** муаллиф ишланмаси*

Сифат менежментини ташкил этишда қандай иқтисодий қонунларга асосланиш яхши самара беради деб ўйлайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, талаб ва


таклиф қонуни деб – 33 %, жамият эҳтиёжларини мумкин қадар ресурсларни кам сарфлаб, эҳтиёжни иложи борича тўлиқ қондириш қонуни деб - 27 %, қиймат қонуни ёки нарх қонуни деб - 20 % жавоб беришган бўлса, қолган респондентлар эса рақобат қонуни деб - 20 % турли нотўғри жавобларни берган.



2-расм. Сифат менежментини ташкил этишда қандай иқтисодий қонунларга асосланиш яхши самара беради деб ўйлайсиз?*

** муаллиф ишланмаси*

Сизнинг фикрингизча қуйидаги сифат менежментининг энг муҳим тамойили қайси? деган саволга (100 %) респондентдан мижозларга йўналтирилганлик деб - 33 %, ҳақиқий маълумотлар асосида қарор қабул қилиш деб - 18 %, жараёнли ёндашув деб - 13 %, ўзаро муносабатлар менежменти деб - 9 %, раҳбариятнинг лидерлиги деб - 8 %, етакчилик деб – 7 %, персоналнинг жалб этилганлиги деб - 7 % жавоб беришган бўлса, қолган респондентданлар эса яхшилаш деб - 5 % и жавоб берган.




3-расм. Сизнинг фикрингизча қуйидаги сифат менежментининг энг муҳим тамойили қайси?*

** муаллиф ишланмаси*

Республикада уй-жой фондидини замонавий ҳолати сифат талабларига қай даражада жавоб беради? деган саволга (100 %) респондентдан, қониқарли деб – 36 %, қониқарсиз деб – 25 %, яхши деб – 22 % жавоб беришган бўлсалар, қолганлари эса юқори деб - 17 % и жавоб берган.

Жумладан, республика уй-жой фондидини бошқаришда сифат менежментини жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қандай баҳолайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, самарасиз деб ҳисоблайман деб – 34 %, талаб даражасида деб – 30 %, жавоб беришга қийналаман деб – 25 % жавоб берган бўлсалар,

қолган респондентдан эса жуда самарали деб - 11 % и жавоблар берган ҳамда сизнингча сифат менежменти самарадорлигини баҳолашда қандай таҳлил усуллари бир мунча самаралироқ? деган саволга (100 %) респондентдан, сўровнома усули деб - 30 %, SWOT таҳлил усули деб - 29 %, корреляцион регрессион таҳлил усули деб - 17 %, математик моделлаштириш усули деб - 16 % жавоб берган бўлса, қолганлари эса дисконтлаш усули деб - 8 % жавоб берган ва Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондининг ривожланиш тенденциялари қай даражада деб ўйлайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, қониқарли деб – 35 %, яхши деб – 32 %, қониқарсиз деб – 20 % жавоб берган бўлса, қолганлари юқори деб – 13 % и жавоб берган ҳамда тошкент шаҳридаги уй-жой фондларини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичлари сифатини қандай баҳолайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, талаб даражасида деб - 38 %, самарасиз деб ҳисоблайман деб - 33 %, жавоб беришга қийналаман деб - 20 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар эса жуда самарали деб - 9 % и жавоб берган.




4 расм. Уй-жой фондининг сифат менежменти самарадорлигини амалга оширишда қандай камчиликлар мавжуд деб ҳисоблайсиз?*

** муаллиф ишланмаси*

Шу билан бирга, уй-жой фондининг сифат менежменти самарадорлигини амалга оширишда қандай камчиликлар мавжуд деб ҳисоблайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда тўлиқ амал қилинмайди деб - 33 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда аниқ стратегия ишлаб чиқилмаганлиги деб - 29 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда самарадорлик усуллари таҳлил қилинмаслиги деб - 24 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар эса уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда сифат менежменти тизимига тўлиқ амал қилинди деб - 14 % и жавоб берган.

Сизнинг фикрингизча, келажакда қуриладиган кўп қаватли уй-жой фондининг сифат менежментини жорий этишда бошқарув компания (БК) самарадорлигини ошириш учун нималарни амалга ошириш лозим? деган саволга (100 %) респондентдан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда сифат менежменти тизимини такомиллаштириш деб – 28 %, уй-жой мулкдорлари

ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда бошқарув стратегиясини тўғри танлаш деб - 22 %, соҳага киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш деб - 17 %, самарадорликни оширувчи тизимни тўғри қўллаш деб - 18 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар эса уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларнинг бошқарув усулини жорий этиш деб - 15 % и жавоб берган.




5-расм. Сизнинг фикрингизча, келажакда қуриладиган кўп қаватли уй-жой фондининг сифат менежментини жорий этишда бошқарув компания (БК) самарадорлигини ошириш учун нималарни амалга ошириш лозим?*

* муаллиф ишланмаси

Сизнингча уй-жой фондини бошқариш соҳасида инновацион салоҳият ва технологик имкониятлардан фойдаланиш даражаси қай ҳолатда? деган саволга (100 %) респондентдан, ўртача деб - 43 %, паст деб - 25 %, юқори деб - 20 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар жуда юқори деб - 12 % жавоб беришган. Уй-жой фондини бошқаришда иқтисодий механизм самарадорлигини оширишда қандай камчиликлар мавжуд деб ҳисоблайсиз? деган саволга (100 %) респондентдан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда маркетинг тадқиқотларини олиб бормаслик натижасида уй-жой фондлари бозорини ўрганиш даражасини пастлиги деб - 28 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилмаганлиги деб - 26 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда янги техника ва технология жорий этиш борасида аниқ инновацион лойиҳаларни йўқлиги деб - 21 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда узоқ муддатли аниқ инвестициялаш стратегиясини ишлаб чиқилмаганлиги деб - 13 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда диверсификация ва кластерлаштириш сиёсатини ташкил этилмаганлиги ва бошқалар деб - 12 % и жавоб берган.

Сизнингча уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда сифат менежменти самарадорлигини ошириш асосан қайси омилларга боғлиқ?			
Жавоб варианты	Танланди	Жавоб варианты	Танланди



6-расм. Сизнингча уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда сифат менежменти самарадорлигини ошириш асосан қайси омилларга боғлиқ?

** муаллиф ишланмаси*

Жумладан, сизнингча, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларда сифат менежменти самарадорлигини ошириш асосан қайси омилларга боғлиқ? деган саволга (100 %) респондентдан, бошқарув структурасига деб - 38 %, инновацион технологияларга деб - 30 %, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)лар персоналига деб - 14 %, ресурсларга деб - 11 % жавоб берган бўлса, қолган респондентданлар инвестицияларга деб - 7 % и жавоб берган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бошқарув шаклидан қатъий назар, тўғри ва самарали бошқарув тизимини шакллантириш тамойиллари уй-жой фондиди сифатли бошқаришнинг асосини ташкил этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўтказилган социологик тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича ва юқорида респондентлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида хулосалар чиқарадиган бўлсак, уй-жой фондиди бошқариш соҳасини замонавий сифат менежменти тамойиллари асосида такомиллаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, замонавий сифат менежмент тизимини жорий этиш борасидаги амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда соҳага инвестицияларни жалб этиш, инновацион ёндашув масалаларига асосий эътиборларини қаратганликларини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда уй-жой фондиди бошқаришнинг амалдаги ҳолатини респондентлар орасида ўтказилган сўровномалар асосида олиб борилган ўрганишлар натижасида аниқланган салбий ҳолатларни бартараф этишда қўйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин:

- тизимда жамият эҳтиёжларини мумкин қадар ресурсларни кам сарфлаб, эҳтиёжни иложи борича тўлиқ қондириш қонунининг тўлиқ ишлашига эришиш механизмининг йўлга қўйиш;

- уй-жой фондиди бошқаришда сифат менежментини уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УЖМШ) ёки бошқарув компания (БК)ларининг манфаатдорлигини таъминлаш туркимини шакллантириш;

- уй-жой фондидан фойдаланиш борасида харажатлардан самарали фойдаланишга (янги уй-жойлар қурилиши ва уларнинг эксплуатациясида замонавий энергия тежамкор материал, ускуна ва жиҳозлар ҳамда технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бу борада илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш) рағбатлантирувчи усуллар ҳамда дастакларни қўллашни йўлга қўйиш;

- уй-жой фонди ва унга хизмат кўрсатишда замонавий сифат менежменти усуллари ва тамойилларини қўллаш орқали тузишни жорий этиш истеъмолчиларга юқори даражада қўлайликлар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Johnson, M.P. (2012), In: Privett, N.A., editor. International Series in Operations Research and Management Science. Operations Management in Community-Based Nonprofit Organizations, Department of Public Policy and Public Affairs University of Massachusetts Boston, Boston, MA 02125-3393, USA;

2. Osborne, P. (2005), In: Stephen, O.P., Brown, K., editors. Managing Change and Innovation in Public Service Organizations. New York, NY: Madison Ave.;

3. Jensen M.C., Meckling W.H. Theory of the Firm. Managerial Behavior, Agency Costs and Ownership Structure. Journal of Financial Economics, 1976, vol. 3, no. 4, pp. 305–360.;

4. Leitch, M. «The Risk Management Gap», Board Leadership, vol. 2017, no. 154, pp. 1-3. doi:10.1002/bl.30088.;

5. Peer Smets & Paul van Lindert (2016) Sustainable housing and the urban poor, International Journal of Urban Sustainable Development, 8:1, 1-9, DOI: 10.1080/19463138.2016.1168825;

6. Ganapati S. 2014. Housing cooperatives in the developing world. In: Bredenoord J, van Lindert P, Smets P, editors. Affordable housing in the urban global south: seeking sustainable solutions. London: Routledge/Earthscan; p. 102-116.;

7. Wheeler S. 2003. Planning sustainable and livable cities. In: LeGates TT, Stout F, editors. The city reader. London, New York: Routledge.4;

8. Plummer, J. and C. Heymans, (2002). Focusing Partnerships: a sourcebook for municipal capacity building in public-private partnerships, London, Sterling, VA;

9. Ostrom E. (2010) Working Together Collective Action, the Commons, and Multiple Methods in Practice;

10. R. Baudouin (2014) Penser la transition éthique de l'urbanisme pour l'aménagement de villes durables. Le cas de la France et de la Suisse;

11. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019.

12. Нурибетов, Р. И. Жилищный фонд Республики Узбекистан: проблемы и перспективы развития / Р. И. Нурибетов // Инвестиции, градостроительство, недвижимость как драйверы социально-экономического развития территории и повышения качества жизни населения : материалы XII Международной научно-практической конференции, Томск, 01–04 марта 2022 года. – Томск: Томский государственный архитектурно-строительный университет, 2022. – С. 188-193. – EDN QXDWIF.

13. Ёдгаров В.У., Бутунов Д.Я. Уй-жой коммунал хўжалиги ва иқтисодиёти. Дарслик. 2011
14. Ҳасанов Т.А. Ўзбекистонда хусусий уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019 й. -56 б.;
15. Давлетов, И. Х., & Маманазаров, О. Ш. (2020). Современные проблемы развития жилищного строительства в Узбекистане. Бюллетень науки и практики, 6(3), 295-298.
16. Sultanov, A. (2020). PROSPECTIVE FOREIGN EXPERIENCE OUTCOME IMPLEMENTATIONS OF HOUSING FUND MANAGEMENT IN UZBEKISTAN. Theoretical & Applied Science, (4), 201-207.
17. Kakhramonov, K. S., & Sh, U. (2021). Comprehensive assessment and methods of increasing the efficiency of housing and communal services management in the Republic of Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 3(95), 173-176.
18. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7-ноябрдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги №ЎРҚ-581-сонли Қонуни.
19. Kakhramonov, Kh. Sh. U. The main directions of improving the housing stock management system in the Republic of Uzbekistan / Kh. Sh. U. Kakhramonov // Theoretical & Applied Science. – 2021. – No 9(101). – P. 421-425. – DOI 10.15863/TAS.2021.09.101.44. – EDN KEIC CZ.